

ISSN 2072-0297

МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ



4 2023
ЧАСТЬ VII

16+

СОДЕРЖАНИЕ

МАРКЕТИНГ, РЕКЛАМА И PR

- Дрожжин К. А.**
Использование сервиса «Яндекс. Метрика» для сбора и анализа статистической информации о веб-площадке 425
- Кичмаренко А. И.**
Подходы к определению событийного маркетинга 428
- Котова А. Н., Горчакова А. Л., Сумарокова Е. В.**
Причины падения спроса на туристические услуги и перспективы развития отрасли внутреннего туризма в России 430
- Макарова Е. А.**
Укрепление имиджа государственных служащих при помощи средств массовой коммуникации 432
- Табашникова К. С., Яговцева А. А.**
Социальные сети как инструмент продвижения бизнеса на территории Российской Федерации в реалиях 2023 года 436
- Хвостов А. С.**
Уровни рыночной конкуренции 438

БИОЛОГИЯ

- Кристалль А. В.**
Негативное влияние антропогенного фактора на популяцию амурского тигра 441

СОЦИОЛОГИЯ

- Белоусова А. А.**
Главные задачи государства в системе социальной защиты молодой семьи 446
- Белоусова А. А.**
Совершенствование социальной защиты малоимущего населения 448
- Гатина И. А.**
Волонтерство во время пандемии как улучшение качества жизни 449

ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ

- Махновская Н. В., Демьянова А. Ю.**
Совершенствование физического воспитания в системе общего, среднего, профессионального и высшего образования 452
- Суббота С. М.**
Роль плавания в физическом развитии ребёнка 454

ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

- Белянинова А. А.**
Использование современных технологий в работе режиссера театрализованных представлений и праздников 457
- Васина С. А.**
История возникновения и развития копирования 462

ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА

- Абрамовских Е. В., Лала Е. П., Раудина О. В.**
«Итальянский текст» в «Ностальгии» А. Тарковского 465
- Герайзаде М. А., Кадиева С. А., Дашдамирова Н. М.**
Экзистенциальная свобода Николаса Урфе — главного героя романа Джона Фаулза «Волхв» 472
- Нашхоева М. Р.**
Единство просодии и пунктуации 474
- Турамуратова И. И., Гофурова В. В.**
Межкультурная коммуникация в современной культурно-образовательной парадигме 476
- Цакоева А. А.**
Фразеологические единицы с компонентом «камень» как репрезентанты природно-ландшафтного кода культуры 479

ТЕОЛОГИЯ

Марифов Х. С.

Взгляды мусульманских учёных
и татарских богословов на положение
мусульманской уммы и пути
её развития 483

ПРОЧЕЕ

Потомкина Ю. Г.

Социальное служение на приходах
Русской православной церкви
по Воронежской области..... 487

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
O'ZBEKISTON**Shayqulov X. S., Rasulova M. R.**

Esherixioz bilan kasallangan bolalardan ajratilgan
gemolitik E.coli bakteriyalarining antibiotiklarga
sezgirligi 489

Шерқўзиёва Г. Ф., Бобоева И. Ў., Умуров Ш. С.

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви
сифати кўрсаткичлари тахлил натижалари491

Шерқўзиёва Г. Ф., Самигова Н. Р.,**Аллаярова Г. А., Оразбоева Ш. Е.**

Автотранспорт билан шаҳар муҳитининг
ифлосланиши 494

Автотранспорт билан шаҳар муҳитининг ифлосланиши

Шерқўзиева Гузал Фахритдиновна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;

Самигова Наргиз Раимовна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;

Аллаярова Гулнара Аманбаевна, магистратура талабаси;

Оразбоева Шахсонем Есенгелди қизи, магистратура талабаси

Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)

Ушбу мақолада ташқи муҳит омилларидан бири бўлган атмосфера ҳавосининг асосий ифлослантирувчиларидан бири бўлган автотранспорт ва унинг ўзига хос томонлари тўғрисида маълумотлар берилган. Шу билан бирга автотранспортнинг аҳоли саломатлигига ва санитария турмуши тарзига таъсири сўровнома асосида ўрганилди.

Калит сўзлар: автотранспорт, анкета сўровномаси, атмосфера ҳавоси, касалланиш, гигиеник меъёр, саломатлик.

Загрязнение городской среды автотранспортом

Шеркузиева Гузаль Фахритдиновна, кандидат медицинских наук, доцент;

Самигова Наргиз Раимовна, кандидат медицинских наук, доцент;

Аллаярова Гулнара Аманбаевна, студент магистратуры;

Оразбоева Шахсонем Есенгелди кизи, студент магистратуры

Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)

В данной статье даны особенности автомобильного транспорта как источника загрязнения атмосферного воздуха. А также данные анкетирования о влиянии автотранспорта на здоровье и санитарно-бытовые условия.

Ключевые слова: автотранспорт, опрос анкетирования, атмосферный воздух, заболеваемость, гигиенические нормы, здоровье.

Мавзунинг долзарблиги

Ҳозирги даврда инсон саломатлиги учун энг хавфли манбалардан бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлардир. Автомобиллар атмосфера ҳавосини ҳар хил заҳарли газлар билан ифлослашадиган ташқари дунё аҳолисининг нафас олишига кетадиган килороддан 3–4 марта кўп килородни сарфлайди. Ҳар йили 1 та автомобил ўртача 4 тонна оксигенни ҳаводан олиб, ташқи муҳитга 800 кг ис гази, 40 кг азот оксиди ва 200 кг атрофида турли заҳарли моддалар, шу жумладан углеводородлар чиқариб ташлайди. Ҳозир жаҳон мамлакатларида 500 млн дан ортиқ автомобил борлиги назарга олинадиган бўлса, атмосфера ҳавосига чиқариб ташланадиган ифлосликлар миқдори жуда катта эканлигига ишонч ҳосил қилса бўлади.


Автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини азот оксиди билан 45,7%, углеводородлар билан 42% зарарлантиради. Ер юзидаги жаъми бир йилда ҳавога чиқариб ташланадиган 100 млн тоннага яқин ис газининг 75,5 млн тоннаси ёки 78% автотранспорт воситаларига тўғри келади [1, 4]. Шаҳарлар ҳавосининг 60% заҳарли газлар билан ифлосланиши автотранспорт ҳисобига тўғри келади. 2021 йили энгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича Хитой (16 158 178), АҚШ (6 183 778), Япония (5 419 992) ва Ҳиндистон (2 826 191) давлатлари етақчи бўлган. Транспорт воситаларининг кундан кунга кўпайиб бориши, қудратли механизмларнинг яратилиши ва ундан кенг қўламда фойдаланиш атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатиб, унинг

бузилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига автомобиллар сони кескин ошмоқда. Ушбу кўрсаткич сўнгги йил давомида 14,5% га ошди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг сони 2.955.295 тани ташкил этган. Сўнгги 5 йилда шахсий автомобиллар сони ўсиш кескин ортиб бормоқда хусусан Давлат статистика марказининг берган маълумотларига кўра 2015 йилда — 2 109 185 та; 2016 йилда — 2 191 231 та (3,8%); 2017 йилда 2 273 419 та (3,7%); 2018 йилда — 2 440 276 та (7,3%); 2019 йилда — 2 580 133 та (5,7%) га ошган. Шаҳарларда транспорт воситаларининг кўпаяётганлиги баробарида улардан атроф-муҳитга ташланаётган зарарли ва заҳарли газлар сифат ва миқдор жиҳатдан кўпайиб бормоқда. Маълумотларга кўра Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларида ҳаво ифлосланишининг 80% дан ортиғи автотранспорт ҳиссасига тўғри келмоқда. Чиқинди газларининг тарқалишини аниқ ўрганиш учун махсус кузатувлар ташкил этилади [3, 5]. Магистраллар ва унга яқин бўлган худудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини баҳолаш чиқинди газларининг асосий ифлослантирувчи моддалари (углерод оксиди, азот икки оксиди, углеводород, формальдегид, 3,4 бензопирен, қурум ва қўргошин бирикмалари) аниқланади. Кузатув натижасида аралашмалар концентрацияси (максимал ва бир маротабалик) тарқалиши яъни яшаш мавзейларида, автомагистрал олди худудларида, яшаш минтақасида

аниқланди [2, 6]. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 65 дан ортиқ чорраҳаларда (2010 йил кўрсаткичи бўйича 30 дан ортиқ) бўлса автомашиналар тирбандлиги соат 8:00 дан 9:00 гача туш вақти 12.00 дан 13.00 гача ва кеч соат 17.00 дан 19.00 гача 10–15 баъзан 20 минутгача тирбанд ҳолатларини кунда гувоҳи бўламиз.

Текшириш натижалари: Юқоридагилардан келиб чиқиб биз шаҳар атмосфера хавосининг ифлосланиши ҳолатини сўровнома ўтказиб баҳоладик ва қуйидаги натижаларни олдик: ҳаво бассейнининг ифлосланиш даражасини қай тарзда сезиши сўралганда: кучли сезувчилар 12 та (15,0%), ўртача сезувчилар 42 та (52,5%) ва сезмайдиغانлар 5 та (6,25%) ташкил этди.



Расм. 1. Иштирокчиларнинг атмосфера ҳавосининг ифлосланишини сезиш ҳолати (%)

Олинган натижалар таҳлилидан кўриниб турибдики асосий иштирокчилар атмосфера хавосини ифлосланишини ўртача сезишларини кўрсатиб ўтганлар. Атмосфера хавосининг ифлосланиши қандай намоён бўлиши ҳақида сўралганда иштирокчилар қуйидагича жавоб бердилар: ўзларини нохуш сезадилар 16 та иштирокчи (20,0%), бош

оғришини кўрсатганлар 28 та (35,0%), бош айланиши 10 та (12,5%), нафас сиқишини эса 15 та (18,75%), дераза ойналарининг тез ифлосланиши эса 27 та (33,75%), хоналарнинг шамоллатилишини чекланишини эса 9 та (11,25%) ва башқа кўринишдаги намоён бўлишини 4 та (5,0%) иштирокчилар кўрсатиб ўтишган.



Расм. 2. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини намоён бўлиши (%)

Анкета сўровномасида иштирок этганларнинг саломатлик ҳолатини билиш учун берилган саволларга улар қуйидагича жавоб берганлар, яъни юрак қон томир касалликлари билан касалланганлар 9 та (11,25%), нафас олиш тизими касалликлари 15 та (18,75%), тери таносил касллик-

лари 4 та (5,0%), ошқозон ичак касалликлари билан эса 7 та (8,75%), аллергия касалликлар билан 14 та (17,5%), онкологик касалликлар 2 та (2,5%), бошқа касалликлар билан эса 4 та (5,0%) ва ушбу саволга жавоб бермаганлар 15 та (18,75%) ни ташкил этди. Ушбу савол бўйича олинган

натижалар тахлили шуни кўрстадики аллергия ва нафас олиш тизими касалликлари энг кўпчиликни ташкил этди. Сўровнома иштирокчилари дераза ойналарининг тез ифлосланиши эса 27 та (33,75%) ва бош оғришини 28 та (35,0%) энг кўп кўрсатганлар.

Адабиёт:

1. Атаниязова Р.А. и др. Загрязнение атмосферного воздуха и заболеваемость населения г. Ташкента. // Вестник Ташкентской медицинской академии. — 2011. — № 4. — С. 107–110.
2. Зайцева Н. В. и др. Влияние на здоровье населения выбросов свинца автотранспортом // Гигиена и санитария. — 1999. — № 3. — С. 3–4.
3. Отабоев Ш., Эргашев Ф., Қаюмходжаева Ё., Нормаматов Ш. Атмосфера ҳавосининг экологияси ва саломатлик муаммолари (Тоза ҳаво танга даво). — Тошкент, 2008. — 78 б.
4. Шеркузиева Г. Ф., Сайфутдинова З. А., Умурзакова Д. А., Мустанов Ж. А. Гигиеническая оценка воздушного бассейна г. Ташкента // Молодой ученый. — 2016. — № 8–6 (112). — С. 35–37.
5. Шерқўзиева Г. Ф., Саломова Ф. И., Садуллаева Х. А. Атмосфера ҳавосининг санитар ҳолати ва аҳоли саломатлиги // Биология ва тиббиёт муаммолари. — Самарқанд, 2020. — № 4.1 (121). — С. 238–242
6. Шеркузиева Г. Ф. Загрязнение атмосферного воздуха и здоровья // Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения: II Международная научно-практическая онлайн конференция. — Ташкент, 2020. — С. 170.

Хулоса: Кузатув минтакалари аҳолисининг умумий касалликлари ҳолати ўрганилганда нафас олиш тизими касалликлари бошқа нозологик формаларга нисбатан кўп қайд этилганлиги аниқланди.